Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2014-yil 18-sentabr, payshanba № 116 (3465)

Сайлов — 2014

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар вакилларига сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилди. Мазкур жараён сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИМЗО ТЎПЛАШНИ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ белгиланган намунадаги имзо варақалари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин берилади.

Марказий сайлов комиссияси котиби Комилжон Одиловнинг таъкидлашича, қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинадиган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

— Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур, — дейди К.Одилов. — Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига биноан сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш учун 12 октябргача Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт. Имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.

— Ушбу жараёнда сиёсий партиялар вакилларининг иштирок этишига ҳам рухсат этилади, — дейди К.Одилов. — Сайловчилар имзоси сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси ушбу сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида якуний қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб, марказий матбуотда эълон қилинади.

Эслатиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда 2014 йилнинг 15 сентябридан парламент қуйи палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси расман бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 21 декабрда ўтказилади. 135 нафар депутат ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. 15 депутатлик ўрни эса Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилган.

ЎзА

СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Қоракўл Жасури» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган брусчатка, шлокаблок, бордюр каби йигирмадан зиёд турдаги қурилиш материаллари буюртмачи корхона ва ташкилотларга ҳамда ҳудуддаги намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган уй-жой объектларига етказиб берилмоқда.

Ўнга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхона раҳбари Жаббор Жўраевнинг айтишича, йил охирига қадар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш мўлжалланмоқда.

Суратда: корхона ишчиси Жасур Жўраев.

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Пахта — 2014

Пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган шу кунларда жиззахлик деҳқонларга ҳашарчилар яқиндан кўмакдош бўлаяпти. Уларнинг шижоати туфайли хирмонлар тобора юксалмоқда.

Ҳашарчилар ҳолидан хабардор бўлиш, уларга зарур шарт-шароит яратиб беришдек ўта муҳим фаолиятда касаба уюшмаларининг ўрни салмоқли бўлаётир. Бу ҳақда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Акбархон ТУРСУНОВ шундай дейди:

Шароитдан кўнгил тўқ...

— Вилоятимизда 1249 та терим отряди бўлиб, 3122 та фермер хўжалиги билан иш ҳақи, меҳнат, яшаш, дам олиш ва бошқа шароитлар юзасидан мажбурий шартномалар тузилганлиги айни муддао бўлди. Ҳашарда иштирок этаётган теримчилар ва терим отряди раҳбари ўртасида ана шундай шартномалар мавжуд. Шартномаларнинг ижроси доимий равишда мониторинг қилиб борилади. Бундай ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши ҳозирдаёқ ўз самарасини бера бошлади. Ҳашарчиларнинг яшаш жойи, меҳнат шароити яхшиланди, ҳар беш кунда терим ҳақи даланинг ўзида тарқатилаяпти. Илғор теримчилар касаба уюшмалари томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда.

Тоғолди ҳудудлари — Бахмал, Ғаллаорол, Янгиобод, Фориш, Зомин туманларидан, шунингдек, Тошкент шаҳридан келган ҳашарчилар яшаш шароити алоҳида назоратга олинган. Бу борада яқиндан кўмаклашаётган Дўстлик, Мирзачўл, Пахтакор туманлари ҳокимликлари шаънига фақат илиқ сўзларни айтиш мумкин.

Қайд этиш жоизки, 101,8 минг гектар майдонда мўл ҳосил тўпланган бўлиб, вилоят бўйича жами 229 минг тонналик хирмон қад ростлайди.

Куни кеча хушхабар тарқалди: Мирзачўл туманидаги «Кузги тимсол» фермер хўжалиги миришкорлари йиллик шартнома режасини бир иш кунидаёқ бажарди. Бундай ютуққа замонавий техника шарофати туфайли эришилди. Пахтанинг юз фоизи машина билан териб олинди!

Воҳада машина теримига эътибор ортиб бораётир. Бу йилги мавсумда 130 та терим агрегати юқори унум билан ишлатилади. Бу эса, ўз навбатида, пахта хомашёси таннархи арзонлашиши ва сифати яхшиланишига хизмат қилади.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

Аввал хабар берилганидек, 16 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилганидан кейин депутатлар мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан ўз ишларини бошладилар. Қонун лойиҳаси кредиторлар томонидан киритилган маблағларни қайтариш кафолатларини, корхона банкрот бўлганда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича талабларни кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларига мутаносиб равишда қондириш орқали уларнинг талабларини қондириш навбати тартибига ўзгартишлар киритиш асосида кучайтиришни назарда тутади.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш ҳисобига мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шундан сўнг депутатлар «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг атамалари ва ҳуқуқий нормаларини бир хилда қўллаш ҳамда улар турлича талқин қилинишининг, мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Тузатишларни «Метрология тўғрисида»ги ва «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунларга киритиш назарда тутилган.

Депутатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган янги таҳрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг кундалик турмушига ахборот технологияларини сингдиришга катта эътибор берилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг, шунингдек, улардан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматларнинг муваффақиятли жорий этилиши ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча тармоқларини, шу жумладан, бизнесни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти тизимига уйғунлашуви мамлакатимиз бизнеси томонидан тегишли технологиялар нафақат ташқи, балки ички бозорларда ҳам қўлланилишига олиб келиши муқаррардир.

(Давоми 3-саҳифада).

ДАСТУР ДОИРАСИДА

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида тиббиёт бирлашмаси шифокорлари Марғилон шаҳрининг чекка маҳаллаларида бўлиб, оналар ўртасида «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш», «Соғлом авлодни тарбиялаш йўлида яратилган шарт-шароитлар ва улардан самарали фойдаланиш усуллари», «Соғлом бола — юрт келажаги», «Соғлом она — соғлом бола» каби мавзуларда учрашувлар ўтказишди.

Бирлашма шифокорлари Яйилма, Янги ҳаёт, Бахрин, Йўрмадўз маҳалла фуқаролар йиғинларида болалар ва аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиб, маслаҳатлар беришди. Болажонларга бепул дори-дармон ва витаминлар тарқатилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Самара

Эсимда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Курултойида делегатларнинг Мурожаати қабул қилиниб, «Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига менинг тўҳфам!» шиори остида юртимизнинг ҳар бир фуқароси томонидан 20 туп кўчат экиш бўйича касаба уюшмалари ташаббуси кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Ташаббуснинг илк меваси

ёхуд касаба уюшмаси боғларида унаётган эзгулик

Орадан 2 кун ўтиб, мазкур Мурожаат юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида фаоллар йиғилиши чақирилиб, тармоқ касаба уюшма кенгашлари, вакиллик ва бирлашган қўмиталарига, барча шаҳар, туман, бошланғич ташкилотлар зиммасига корхона, ташкилот ва хўжаликларда, ҳар бир оилада ободонлаштириш ишларини олиб бориш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиб, уни парваришлашни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева иштирокчиларга қарата шундай деди:

— Биз бу хайрли ишни ўзимиздан бошлаймиз, ҳар биримиз 20 туп кўчатни яшаб турган хонадонимизга, кўчамиз, ишхонамизга экамиз. Кенг жамоатчиликни, меҳнаткашларни, қўни-қўшниларимизни мазкур Мурожаатга даъват этишнинг илк иши мана шундан бошланса ёмон бўлмайди.

Шунда ҳамкасбларимиздан бири «Мен кўп қаватли уйда турсам, қаерга кўчат экаман», деб савол берди. Раиса опамиз жиддий туриб «Отангизнинг ҳовлисига» деди. Озгина тўхталиб, қўшимча қилди: «Отангиз яшайдиган жойни жуда яхши биламан. Тоғдан оқиб келаётган ёмғир ва қор сувидан 20 туп кўчат гуркираб ўсишига ишонаман. Фақат сиздан талаб шундай бўладики, кўчатларни ойлик маошингиздан сотиб оласиз, кейин отангизга ҳам айтасиз: Ўзингиз учун, набираларингиз учун 20 тупдан кўчат экишишингиз керак экан, бу болаларимизни ўйлаб қилинган энг савобли иш бўлар экан, дейсиз, тушундингизми?»

(Давоми 4-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастурламал бўлаётир.

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

Сирдарё вилоятида ҳам мазкур ҳужжат ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мавжуд умумтаълим мактабларининг чет тили синф хоналари қайта жиҳозланиб, замонавий дарсликлар билан таъминланди. Ўқитувчиларнинг малакаси оширилиб, таълим даргоҳларининг кадрлар салоҳияти юксалтирилди. «Хорижий тил билимдони», «Энг яхши чет тили ўқитувчиси» кўрик-танловларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Жорий ўқув йилидан инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган синфларнинг ўқув соатлари оширилди.

ЎзА

ҚАШҚАДАРЁ

«Ал-Саид» масъулияти чекланган жамияти томонидан фойдаланишга яроқсиз резина шиналарни қайта ишлаш йўлга қўйилганига ҳам бешинчи йил кетаяпти.

ЧИҚИНДИ... ЧИҚИТ ЭМАС

— Айни пайтда чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури мавжуд, — дейди нафақадаги олим, биология фанлари номзоди Абдусалом Ўроқов. — Ҳозирги кунда республикамиз миқёсида 70 га яқин чиқиндиларни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, Қарши шаҳридаги «Ал-Саид» корхонасида кимдир чиқинди деб ўйлайдиган резина шланглари қайта ишланиб, иккиламчи маҳсулот олиняпти. Корхонанинг бир йиллик қайта ишлаш қуввати ўртача 500 тоннани ташкил этади.

Иззат ҲИКМАТОВ

БУХОРО

Когон шаҳрида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФҲДЁ) учун янги бино қуриб фойдаланишга топширилди. Замонавий услубдаги қўш қаватли иморатни «Муштарий» ишлаб чиқариш корхонаси қурувчилари тез ва сифатли қилиб бунёд этишди.

ФҲДЁда «ОИЛА ДОРИЛФУНУНИ»

Бу ерда ходимлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўз хизмат вазифаларини бажаришлари учун барча шарт-шароит муҳайё. Жумладан, никоҳларни тантанали қайд этиш, яъни маросимлар зали, келин-куёвлар учун тегишли ҳуқуқий ва тиббий маслаҳатлар беришга мўлжалланган «Оила дорилфунуни» хонаси шулар сирасидан.

Мазкур бинода давлат нотариал идораси ҳам фаолият кўрсатаётгани, айтиш мумкинки, аҳоли учун яна бир қулайлик бўлди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 18-sentabr № 116 (3465)

Аъзолик афзаллиги

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Соғлом бола йили» дастури бўйича турли соҳа ходимлари ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан санаторийларга бепул йўлланма олиш имконига эга бўлди.

Бепул йўлланма

бу ижтимоий ҳимоянинг яққол ифодаси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимида меҳнат қилаётган жиззахлик ўн уч нафар ўз касбининг фидойилари ана шундай имтиёзга лойиқ топилди.

— Йигирма беш йилки, Бахмалнинг олис ва чекка ҳудуди — Новқа қишлоғидаги 8-умумтаълим мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бераман, — дейди Муҳаббат Мамадиева. — 85 нафар ходим меҳнат қилаётган масканимизда 742 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия берилади. Мактабимиз тумандаги илғор билим даргоҳларидан. Қатор ҳамкасбларим иш тажрибаси туман миқёсида оммалаштирилган. Эришаётган ютуқларимизда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, сўнгги йилларда касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлади. Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоялашдек муҳим иш янада шаффоф кўриниш олди.

«Умид гулшани» санаторийсида йўлланма билан мириқиб ҳордиқ чиқардим ва куч-ғайратга тўлиб, ёшларни билим сари бошлашга киришдим.

Касаба уюшмаларининг ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан бепул йўлланма олиб, меҳнат таътилини «Чортоқ», «Олтинсой», «Бўстон», «Зомин» сингари санаторийларда мароқли ўтказганлар сафида зарбдорлик А.Иргашев, С.Зоирова, янгиободлик И.Умаралиев, Жиззах шаҳридан М.Усмонова, Қ.Такабоев, Қ.Ҳошимова, форишлик Г.Наврўзова, пахтакорлик Х.Қаршибоева, Дўстлик туманидан Х.Собирова, А.Ҳасанов, Жиззах туманилик О.Бекамов, бахмаллик Ҳ.Худойқуловлар бор.

— Тармоқ ходимларига Дастур доирасида санаторийларга бепул йўлланмалар ажратиш давом этмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлими мудири Фаҳриддин Раҳмонов. — Бунда эҳтиёжманд аъзолар доимий эътиборга олинмоқда.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ойбегим Рўзиева Пешку туманидаги 1-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатади. 28 йилдирки ёш авлодда рус тили ва адабиёти фанига меҳр уйғотиб келади. Ўқувчиларга пухта билим бериш учун замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланади. Дарсдан ташқари тадбирлар ташкил этиб, шогирдларининг фанга бўлган қизиқишини оширади, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Бундай саъй-ҳаракат муаллимани толиқтириши, чарчатиши ҳам табиий ҳол.

Мурожаат жавобсиз қолмади

— Кейинги пайтда касалликларга тез-тез чалиниб, шифокорларга кўпроқ мурожаат қиладиган бўлиб қолдим. Бироқ даволанишим кутилган натижани беравермади, — дейди у. — Вақт топиб Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Музаффар Тўрабоевга учраб, аҳволимни тушунтирдим. Кўп ўтмай илтимосим ижобий ҳал этилди. Бошланғич касаба уюшма қўмитамиз томонидан менга Тошкентдаги «Умид гулшани» санаторийсига йўлланма тақдим этилди.

Суҳбатдошимизнинг эътироф этишича, йўлланма Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Соғлом бола йили» дастурида белгиланган устувор йўналишлар доирасида бепул берилган. Қибрай туманида жойлашган ушбу шифо масканида мириқиб ҳордиқ чиқариш, саломатликни мустаҳкамлаш учун барча шарт-шароит муҳайё. Малакали шифокорлар, замонавий тиббий жиҳозлар, спорт-соғломлаштириш, урология, эндокринология, гинекология, асаб ва бошқа касалликларни даволашдаги муолажалар юқори талаблар даражасида олиб борилади. Дам олувчиларнинг истакларини инобатга олган ҳолда азим Тошкент шаҳрининг музей, театр ва бошқа диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил қилинади. Ойбегим Рўзиева ҳам кўплар қатори ана шундай имконият самарасида касалликдан фориғ бўлиб, хуш кайфият билан оиласи, қадрдон мактаби бағрига қайтди.

Ғиждувон политехника касб-ҳунар коллежининг математика ва информатика фани ўқитувчиси Феруза Усмонова ҳам касаба уюшмасининг бепул йўлланмасидан баҳраманд бўлганлардан. «Оқ тош» санаторийсида дам олиб, даволанган муаллима ўзини узоқ вақт безовта қилган аллергия хасталигидан халос бўлди. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган ушбу хушманзара гўшанинг мусаффо ҳавоси, тиниқ булоқ сувлари, меҳрибон шифокорлар муолажалари унинг саломатлиги мустаҳкамланишида асосий омил бўлди.

— Бу йил кўп болали ва эҳтиёжманд оилаларга мансуб аёллар, тиббиёт, таълим ва фан ходимлари, фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг ишлайдиган аъзолари, фермерлар ҳамда болаларни касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда ва болалар оромгоҳларида соғломлаштириш тадбири режалаштирилган эди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлими мудири Ғайрат Раупов. — Таълим, фан ва маданият ходимларидан ҳозиргача 12 нафар педагог бепул соғломлаштирилди. Ушбу тадбир йил охиригача давом этади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дард чекинди

— Кўпдан бери қандли диабет хасталиги билан курашаман. Қўлим калталик қилиб даволанишни кўпинча орқага сурар ёки наридан-бери муолажа олиш билан кифояланар эдим, — дейди Боёвут туманидаги 8-мактабда фаррош бўлиб ишлаётган Нигора Маликова. — Яқинда бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисининг таклиф ва кўмаги билан «Чинобод» санаторийсида саломатлигимни тикладим. Ҳозир ўзимни тетик ва соғлом ҳис қиляпман.

Фақат бугина эмас. Эндиликда ходим ўз ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзанди учун ҳам имтиёзли йўлланма олиш имкониятига эга. Шу боис соғломлаштириш имкониятлари кенгайди.

— Такомиллашув натижасида бугунгача 29 нафар ходим республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Боёвут туман кенгаши раиси Барно Холмуҳамедова. — Ёзги мавсумда ходимларнинг 46 нафар фарзанди тумандаги «Шодлик» оромгоҳига имтиёзли йўлланма билан таъминланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Фаолиятга назар

Умбар Норқулов — Қашқадарё вилоят санитария-эпидемиология назорат маркази касаба уюшма қўмитаси раиси. 264 нафар аъзо манфаатлари ҳимоячиси маъмурият билан ижтимоий шериклик асосида фаолият олиб боришга, юзага келган муаммоларни иш берувчи билан баҳамжиҳат бартараф этишга ҳаракат қилади.

Ҳаммаси ғайратга боғлиқ

— Умбар ака касбига сидқидилдан ёндашиши билан барчага ибрат, — дейди ВДСЭНМ бош врачи Абдумалик Бўриев. — Ходимларга қулай иш жойи яратиш, зарарли шароитда ишлайдиганларга имтиёзлар жорий этиш, иш ҳақининг вақтида берилишини назорат қилиш, меҳнат таътили ва нафақага чиқадиганларнинг ҳужжатларини жойжойига қўйишда Умбар ака катта тажрибага эга.

Жамоа шартномасига кўра, ҳар йил 20 нафарга яқин ходим турли сиҳатгоҳларда дам олса, 30 нафарга яқин ходим фарзанди ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаради.

Узоқ ҳудуддан ишга қатнайдиган 12 нафар ходимнинг иш вақти маъмурият билан келишилган ҳолда бир соат кейинга сурилган. Ходимларнинг туғилган кунларида, байрам саналарида рағбатлантириш тадбирлари анъанага айланган. Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари тарқатилади.

Албатта, бу саъй-ҳаракатлар беиз кетмади. Ташкилот ўтган йили ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида 3-ўринга муносиб кўрилди.

Касабақўм етакчиси «Ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш» бўлими бошлиғи сифатида ҳам тиним билмайди. Ортда қолган ёз мавсумида у аҳолини мавсумий касалликлар, жумладан, қуйдирги, геморрогик иситма, ўткир ичак инфекцияларининг олдини олишда самарали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, саломатликни асраш 10-15 фоиз тиббиёт ходимларининг хизмати, 65-70 фоиз ҳолатда эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ, — дейди Умбар ака. — Бунда биринчи навбатда, ёшларнинг маданияти юксак бўлиши зарур. Шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, соғлом, тўғри овқатланиш, ҳаракатланиш фаоллигига амал қилиш, спорт билан шуғулланиш, соғлиқ учун зарарли одатларга барҳам бериш, атроф-муҳит тозалиги тўғрисида қайғуриш кабилар соғлом турмуш тарзининг асосий йўналишлари сирасига киради.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Диёримизда фуқаролар саломатлиги йўлида олиб борилаётган давомли эзгу ишлар эътирофга лойиқ. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси ана шундай касб жонкуярлари манфаатини ҳимоялашни ўз зиммасига олган.

Ташаббусда гап кўп

Хатирчи туманида эндиликда билимли, мустақил фикрлайдиган, ўз соҳасини чуқур биладиган ташаббускор етакчилар анчагина. Бундай тизим фидойилари билан ишлаш кенгашимиз аъзолари учун ҳам осон кечаётир.

Масалан, тумандаги Алишер Навоий номли ҚВП сардори, «Энг фаол ёш шифокор» кўрик-танлови вилоят босқичи совриндори Тошпўлат Бозоровни олайлик. Унинг таклифи ва ташаббуси билан 80 нафар соҳа жонкуяри учун Нурота туманидаги қадамжоларга зиёрат уюштирилди. Тумандаги «Боғчакалон» ҚВП етакчиси Дилбар Шакарова ҳамда Охунбобоев номли ҚВП вакиласи Шоҳсанам Болиеванинг таклифлари инобатга олиниб, 250 нафар соҳа вакилининг қадимий ва навқирон Самарқандга саёҳати ташкил этилди.

Касаба уюшмалари томонидан уюштирилаётган турли акциялар, меҳр-саховатга оид йўқлов ҳамда моддий эътибор аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакилларининг чексиз миннатдорчилигига сабаб бўлаётир. Ушбу анъаналарга содиқ қолган ҳолда аъзоларни керакли дамда суяш ва қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпмиз. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида 15 нафар эҳтиёжманд, ногирон, кўп болали тиббиёт ходимлари фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берилди. 10 нафардан ортиқ кекса, нафақадаги тизим фахрийлари хонадонларига ташриф буюрилди. Озиқ-овқат жамланмаси ҳамда анвойи гулдасталардан уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Яқинда тумандаги «Олтинсой» санаторийси бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташкил этилган кўргазмали семинарда барча касаба уюшма етакчилари қатнашди. Тадбирда тизим муассасаларида ташаббускорлик ва фидойиликни йўлга қўйишнинг таъсирчан услублари хусусида тўхтаб ўтилди.

Иброҳим ТОШЕВ,
Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси

Мутахассис минбари

Фаоллик — замон талаби. Меҳнаткашларга муносиб иш шароити яратиш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини ташкил этишда касаба уюшмалари фаоллиги ошганлиги ҳам бежиз эмас. Бу жараён, айниқса, жамоа шартномалари ижросида яққол кўзга ташланмоқда.

Ташаббуснинг қаноти бор

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш тизим фаолияти жонланишига асос бўлаётир. Саъй-ҳаракатлар натижасида жамоат ташкилотининг қуйи бўғини бўлмиш бошланғичлар ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу эса меҳнаткашларга кўрсатилаётган ғамхўрлик кўлами кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «ДАКА-ТЕХ» қўшма корхонаси маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳамкорлиги эътирофга лойиқ. Корхонада меҳнат муҳофазаси, хавфсиз иш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ходимларнинг ишга келиб-кетиши учун транспорт воситаси ажратилган. Дам олиш, ходимлар гимнастикаси билан шуғулланиши учун муайян вақт белгиланган. Жорий йилдан бошлаб ҳар бир ишчининг меҳнат жараёнидагина эмас, балки 24 соат мобайнидаги ҳаёти ҳам корхона томонидан суғурта қилинган.

Тизимимизда аёллар меҳнатини эъзозлаш, уларга шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилаётир. Қатор корхоналарда фарзанд тарбияси билан машғул аёлларга қатор афзалликлар жорий этилди. Хусусан, «Самарқанд Нур» ишлаб чиқариш давлат корхонасида жамоа шартномасига мувофиқ ишловчи аёлларнинг иш куни ҳафтанинг охирги кунида бир соатга қисқартирилган. Шунингдек, бу ерда яна бир анъанага риоя қилинади. Фарзанди биринчи синфга ўқишга бораётган ҳар бир аёлга август ойининг охирги уч кунида иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилади.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида қатор тадбирлар ташкил этилди. «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Соҳага меҳнати сингган, айни чоғда қарилик гаштини сураётган 7 нафар меҳнат фахрийси ҳолидан хабар олинди. Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 5 нафар ота-онасидан эрта айрилган болаларнинг ҳар бирига энг кам ойлик маош миқдорида моддий кўмак кўрсатилди.

«Соғлом авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, соҳа ходимларини спорт тадбирларига жалб этиш мақсадида «Соғлом бола — юрт келажаги», «Соғлом танда — соғ ақл» шиорлари остида турли спорт мусобақалари ташкил этилди. Улар бевосита иш берувчилар билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Тизим корхоналари ходимлари саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг турли сиҳатгоҳларда дам олишини ташкил этиш ҳам диққат-эътиборимизда. Айни кунга қадар 40 нафар меҳнаткаш касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмалари асосида саломатлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Тармоқ ходимларининг Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Меҳнаткашга яратилаётган афзалликлар кўламини кенгайтириш бундан буён ҳам тармоқ касаба уюшмасининг олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Дилбар МУСТАФОҚУЛОВА,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

Касаба уюшма сиҳатгоҳларида

«ТУРОН»НИ ХОРИЖДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфида 15 та санаторий мавжуд бўлиб, уларда ҳар йили 100 минг нафарга яқин меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатликларини тиклаб, мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Мавжуд санаторийлар орасида юрак-қон томир ва асаб тизими касалликлари билан хасталанган дам олувчиларни соғломлаштиришга ихтисослаштирилган «Турон санаторийси» алоҳида нуфузга эга.

Санаторийга кириб борар экансиз, замонавий бинолар, озода ва кўркам йўлаклар, сўлим айвончалар эътиборингизни тортади. Пойтахтнинг энг сўлим ва баҳаво гўшасида жойлашган сиҳатгоҳ ўзига хос таровати ва кўркамлиги билан кайфиятингизни кўтаради.

Сиҳатгоҳ кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги билан нафақат юртимизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам машҳур. Санаторий моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари малакасини ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш барасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида хорижликлар ташрифи оддий ҳолга айланиб бораётир.

— Кейинги йилларда дам олувчиларнинг эҳтиёжларини инобатга олиб, санаториямизда соғломлаштириш кўлами янада кенгайтирилди, — дейди «Турон санаторийси» ОАЖ директори Қаландар Султонов. — Кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 20 ўринли янги коттеж барпо этилиши меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш билан бирга, уларнинг оила аъзолари саломатлигини муҳофазалашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, сиҳатгоҳимизда ободонлаштириш, биноларни жаҳон андозалари асосида жиҳозлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Мавсумий гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, чим ётқизилди, ҳаво намлигини мўътадил ушлаб туриш учун микроиқлим мосламалари ўрнатилди. Энг муҳими, сиҳатгоҳда йилнинг исталган фаслида юртдошларимиз ва уларнинг оила аъзолари, яқинлари самарали ҳордиқ чиқаришлари учун талаб даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

НОМИГА ЯРАШИҚЛИ ИШЛАР...

Бугунги кунда сиҳатгоҳда 37 ўринга мўлжалланган реабилитация, 137 ўринга мўлжалланган кардио-неврология, 76 ўринли кардиология бўлимлари мавжуд. Бир иш кунида ўртача 250 кишини қабул қилиш имкониятига эга даволаш диагностика бўлимида замонавий тиббий даволаш муолажалари ўтказилмоқда. Сўнгги русумдаги даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозланган лабораторияда қоннинг умумий, биокимёвий текшириш таҳлиллари, гинекологик суртма микроскопияси, простата бези суюқлиги, бактериоскопик текшириш усуллари йўлга қўйилган.

Парҳез таомларни тайёрлаш ва овқатланиш учун мўлжалланган санаторий ошхонасида 288 ўринли 4 та овқатланиш зали бор.

Даволанувчиларга қулайликлар яратиш учун замонавий жиҳозланган минерал сув галереяси хизмат қилади. Ёзги мавсумда замонавий ёзги сув ҳавзаси фаолият юритади. Дам олувчиларнинг маданий-маърифий ҳордиқ чиқаришлари учун маданият саройи, кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

Санаторийда 30 нафар шифокор, 63 нафар ҳамшира фаолият кўрсатади. Шифокорларнинг 5 нафари тиббиёт фанлари номзоди, 18 нафари олий тоифага эга. Ҳамширалардан 38 нафари олий тоифали.

Санаторийда уч омил: даволаш муолажалари, парҳез овқатланиш ва маданий ҳордиқ чиқариш уйғунликда олиб борилгани учун даволаш яхши самара бераётир.

«ТУРОН» МЎЪЖИЗАСИ

«Турон»нинг асосий мўъжизаси унинг шифобахш сувида мужассамлашган. Сиҳатгоҳ табиий маъданли термал, кам ишқорли, бўш минерализацияли хлорид – сульфат – гидрокарбонат – натрий тузли сув манбаига эга. Шифобахш обиҳаёт 1820 метр чуқурликдан, 8 бис скважинадан + 53 даража ҳароратда чиқади.

Сув таркибида натрий, калий, магний, кальций, хлор, кремнийли кислота каби шифобахш микроэлементлар мавжуд.

Санаторийга келган ҳар бир дам олувчига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, ташхис қўйиш, асосий касаллигига қўшимча касалликларни ҳам аниқлаб даволаш учун тор доирадаги малакали мутахассислар: кардиолог, невропатолог, уролог, гинеколог, психотерапевт, лор, гастроэнтеролог, эндокринолог, стоматолог, дерматолог, ултратовуш ташхиси, игнарефлексотерапия шифокорлари фаолият кўрсатади.

РЕАБИЛИТАЦИЯ БЎЛИМИ

Жаҳон талаблари асосида жиҳозланган ушбу бўлимда ўткир миокард инфаркти касаллигини ўтказган беморлар замонавий, илғор усулларда тиббий реабилитация қилинади. 2 нафар шифокор-кардиолог, функционал ташхис шифокори, шифокор-психотерапевт, даволаш жисмоний тарбия инструктори ҳар бир дам олувчининг саломатлиги учун масъул.

Бу ерда жойлашган функционал диагностика хонасида «Поли Спектр 8», «МЭКГ-НС01», «Велоэргометр» - компютер аппаратлари ёрдамида юрак фаолиятида юз берган ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинади.

ЭКГ хонасида «ЭКГ ЭКЗТ01РД», «Момент» тиббий мосламалари ҳамда ЭКГ ритмограмма текширувлари ўтказилади.

Биринчи ёрдам учун зарур бўлган 24 та дори воситаси ва тиббий ашёлар мавжуд.

Бундан ташқари, юқори ва паст частотали электр аппаратлар ёрдамида физиотерапевтик муолажалар, аутотренинг ва психотерапия сеанслари, даволаш жисмоний тарбия инструктори назоратида индивидуал ва гуруҳ бўлиб жисмоний тарбия машғулотлари олиб борилади.

Бўлим врачлари томонидан юрак миокард инфарктини консерватив даволанганидан кейинги реабилитациясини янада такомиллаштириш орқали нормал ҳаёт тарзига қайтарилганлар 95-98 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, кардиохирургик операциядан кейинги реабилитация республика бўйича фақатгина шу бўлимда амалга оширилади.

КАРДИОЛОГИЯ БЎЛИМИ

76 ўринга мўлжалланган ушбу бўлим 1- ва 2-оилавий «люкс», 3- ва 5-ётоқ биноларда касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмалари билан келган дам олувчилар саломатлигини тиклайди. Бу ерда гипертония касаллигининг I, II, III даражаси, ревматизмнинг фаол бўлмаган даври, ревматик артрит ва миокардит, юрак пороклари бўлган дам олувчилар даволанади.

Янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда товарлар сотиш, ишлар бажариш ҳамда хизматлар кўрсатиш, шунингдек, электрон тижоратни амалга ошириш ва унинг иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмларни белгилаб қўйиш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Электрон тижорат асосида ахборот тармоқлари ва оқимлари воситасида операцияларнинг шаффофлигини ошириш мумкин. Бу эса харидорлар ва сотувчиларга турли рақобатчилар томонидан таклиф этилаётган нархлар, маҳсулот сифати ва етказиб бериш шартлари тўғрисида бир лаҳзада ахборот олиш имконини беради.

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар.

Фахриддин Солиев, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинган тақдирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигининг янада оширилиши, шу жумладан, мамлакатимиз товарларининг чет эл бозорларига чиқиши учун электрон тижорат инфратузилмасининг шакллантирилиши таъминланади.

Бизнингча, қонун лойиҳаси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг замонавий воқеликлари ва истиқболларига жавоб берган ҳолда мамлакатимиз компаниялари электрон шаклда бизнес билан шуғулланиши учун самарали муҳитни вужудга келтиришга, уларнинг маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан тўлароқ ҳамкорлик қилишига, маҳсулоти ва хизматларини жаҳон бозорига чиқаришга қаратилган.

Ҳафиза Каримова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда нафақат товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш учун қулай шарт-шароит яратишга, балки электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлашга ҳам қаратилгандир. Шу билан бирга қонун лойиҳаси халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори технологик бозор инфратузилмасини яратиш имконини беради. Ўз навбатида, бу аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилига айланади, бу эса партиянинг дастурий вазифаларига тўлиқ мос келади.

Ҳозирги вазиятда қулай шарт-шароитлар яратиш ва электрон тижоратни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, ташкилий, технологик ва қонунчилик масалаларини ҳал қилишга ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаси ушбу соҳанинг тегишли ваколатли орган томонидан тартибга солинишига доир норма билан тўлдирилмоқда, шунингдек, мазкур органнинг ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

Илҳом Абдуллаев, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси:

— Янги таҳрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси замонавий ахборот технологияларини миллий иқтисодиёт тизимига фаоллик билан жорий этилишини таъминлашга, мамлакатимизнинг товар ишлаб чиқарувчилари ва хизматлар кўрсатувчиларига қулай шарт-шароит яратиб беришга қаратилган.

Шу муносабат билан «Миллий тикланиш» демократик партияси электрон тижоратнинг ташкилий, технологик масалаларини ҳал этишга, ахборотнинг хавфсизлигига ва электрон тижорат иштирокчиларининг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга, атама ва тушунчаларни таърифлашга, электрон тижоратда давлат харидларини амалга оширишга ягона ёндашувнинг, шунингдек, хорижий қатнашчилар иштирокидаги битимларни тузишда қўлланиладиган зарурий ҳуқуқнинг таъминланиши тарафдоридир.

Раъно Гаимова, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантиришни назарда тутади. Энг асосийси, ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо операцияларининг шаффофлиги ошиб боради, бу эса сотувчилар ва харидорларга қисқа вақт ичида шартномалар тузиш имконини беради. Ҳужжат иқтисодиётнинг либераллашуви ва глобаллашуви шароитларида демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга ҳам қаратилган.

Шу билан бирга қонун лойиҳаси бозорнинг янги иштирокчилари пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратиб беради. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингач, кичик бизнес субъектлари халқаро бозорда самаралироқ рақобатлаша олади. Бизнингча, давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг кундалик фаолиятида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилиши зарур.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси партиялар дастурлари ва сайловчиларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда қизиқарли, баҳслашув ва эркин мунозара руҳида ўтди. Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган энг мақбул таклифлар ҳужжатларни маромига етказиш чоғида ҳисобга олинади.

Муҳокамалар чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар юқорида қайд этилган қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ҳамда ҳужжатларни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашни масъул қўмиталарга топшириб, уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

ЎзА

Реклама ва эълонлар

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи: **«Фарғона вилояти Фарғона тумани ИИБ биносини мукаммал таъмирлаш»**

Бошланғич нархи **– 104 098 603 сўм ҚҚС сиз ва 124 918 323 сўм ҚҚС билан.**

Муддати – **36 кун.**

Қурилиш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари учун квота 100%.

Манзил: Фарғона шаҳар А.Навоий кўчаси 13, тел: (373) +998 90 300-23-23.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объектлар номи:

1.«Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар Гулистон кўчасидаги вилоят онкология шифохонасини мукаммал реконструкция қилиш ишлари(кўшимча смета)!

Бошланғич нархи – **1 671 533 900 сўм ҚҚС билан; 1 392 944 917 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати – **30.12.2014 йил.**

2. «Фарғона вилояти Кўқон шаҳридаги 5-сонли мактаб-интернатни мукаммал реконструкция қилиш ишлари (кўшимча смета)».

Бошланғич нархи – **1 220 670 994 сўм ҚҚС билан; 1 017 225 829 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати – **30.12.2014 й.**

Қурилиш-монтаж ишлари: Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларни таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37, тел: (8595) 401-52-01.401-52-06 (факс).

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 998-98-276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади. **Хизматлар лицензияланган.**

ҲАМ БИЛИШАДИ

КАРДИО-НЕВРОЛОГИЯ БЎЛИМИ

Ушбу бўлим 7-ётоқ биносида жойлашган. Касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмалари билан келган дам олувчиларнинг асосий қисми шу бўлимда даволанади. Бўлим юрак ишемик касалликлари, жумладан, стабил стенокардиянинг I, II, III даражаси, юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги ва 1 йил муддатдан сўнгги миокард инфарктидан кейинги кардиосклероз касалликлари, марказий ва периферик асаб тизими касалликлари, таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари бўлган дам олувчиларга хизмат қилади.

ДАВОЛАШ-ДИАГНОСТИКА БЎЛИМИ

Даволаш муолажалари 3 қаватдан иборат бинода олиб борилади. Даволаш омилларига климатотерапия, физиотерапия, маъданли сув билан даволаш муолажалари, парафин ва шифобахш балчиқ билан даволаш, даволаш жисмоний тарбия машғулотлари, игнарефлексотерапия, мануалтерапия, кислородли ва гиёҳли ингаляциялар киради. Тор доирадаги мутахассислардан: ЛОР, дерматолог, гастроэнтеролог, психотерапевт, гинеколог, эндокринолог, уролог, стоматолог, мануал терапевт, игнатерапевт, УТТ шифокори шу бўлимда фаолият юритади.

1-қаватда сув муолажаларидан: циркуляр душ, сув ости душ массажи, умуртқа поғонасини сув остида чўзиш муолажалари ўтказилади. Маъданли хлорид-гидрокарбонат-сулфат-натрийли сув ёрдамида маъданли ванналар, маржонли ванна, йодбромли ванна, сув ости душ массажи, 4 камерали ванна, ёпиқ минерал сув ҳавзаси, ичак ювиш, гинекологик ювиш муолажалари ўтказилади.

Кенг, шинам замонавий даволаш жисмоний тарбия залида даволаш гимнастикаси машғулотлари юрак қон-томир касалликлари, таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари учун алоҳида гуруҳларга бўлиниб ўтказилади. 2012 йилдан бошлаб «Беш тибет гавҳари» гимнастикаси машғулотларини ўтказиш йўлга қўйилди. Шунингдек, дам олувчилар учун замонавий жиҳозланган тренажер зали мавжуд.

2-қаватда замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида физиотерапевтик муолажалар — юқори кучланишли электр асбоблар ёрдамида: УВЧ муолажаси, паст частотали электр асбоблар ёрдамида электрофорез, электроуйқу, магнит билан даволаш, нур ванналари, галванобалчиқ муолажалари олиб борилади.

Ингаляция хонасида «Ингалятор У-2», «Ингалятор аэрозольный» аппаратлари ёрдамида дорилар ва шифобахш гиёҳлар билан ингаляция муолажалари ўтказилади.

Балчиқ билан даволаш хонасида эса Жиззах вилоятининг Балиқли кўлидан келтирилган шифобахш балчиқ билан муолажа қилинади. Шифобахш балчиқ кулчанонсимон аппликациялар ва гальвано-балчиқ усулида даволаш муолажалари ўтказилади.

Шунингдек, 2-қаватда йод ва бромли гидроаэроионизация хонаси (ГАИ), дуоденал зондлаш, тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган стерилизация қилиш хоналари жойлашган.

3-қаватда парафин-озокерит аппликациялари, кислород коктейли ва кислородли ингаляция, игна билан, механомассаж, термотерапевтик «NUGA BEST» массажер билан даволаш, мануал терапия хоналари жойлашган.

Шифобахш гиёҳлар билан даволаш хонасида 7 хил — юрак қон-томир касалликлари учун, тинчлантирувчи, қондаги қанд миқдорини камайтирувчи, ошқозон ичак йўллари, жигар ва ўт пуфаги, буйрак хасталиклари учун, «С»-витаминига бой наъматак дамламалари тайёрланади.

Лабораторияда 30 га яқин клиник ва биохимик таҳлиллар ўтказилади.

ОШХОНА БЎЛИМИ

Санаторийда парҳез ва тўғри овқатланишни ташкил қилиш мақсадида дам олувчиларни диагнозига биноан даволовчи шифокорлар ва парҳез шифокори кўрсатмаси асосида парҳез столлари ташкил қилинган. Дам олувчилар учун бир кунлик озиқ-овқат махсулотлари белгиланган меъёрлар асосида бир ҳафталик мавсумий таомнома тузилган. Йил давомида дам олувчиларга ҳар доим сут маҳсулотлари, сабзавот ва мева маҳсулотлари ҳамда турли хил мавсумий салатлар бериб борилади.

МАДАНИЯТ САРОЙИ

Маданият саройида маънавий-маърифий ишларни олиб бориш учун барча шароит мавжуд. 210 ўринга мўлжалланган зал, ёзги рақс майдончаси, 2777 та китобга эга кутубхона, 25 ўринли ўқув зали бор.

Руҳни соғломлаштирмай туриб, инсонни даволаб бўлмайди. Шу боис сиҳатгоҳда дам олувчиларнинг ҳордиқ онларини янада марокли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида режа асосида республикамиздаги таниқли хонанда ва созандалар иштирокидаги концертлар, кулги ва сўз усталари иштирокида турли кечалар, театр ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг спектакллари, мусиқали танловлар, спорт турнирлари ўтказилади. Тошкент шаҳрининг манзарали жойлари, тарихий обидаларига саёҳатлар уюштирилади.

Санаторийда дам олувчиларга ва Тошкент шаҳри аҳолиси учун амбулатор даволаш, мутахассислар маслаҳати ва ташҳис қўйиш қўшимча пуллик хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

Даволаниш шароитларининг яхшиланганлиги, тиббиёт ходимларининг ўз ишига масъулияти ошганлиги, янги диагностика ва даволаш усуллари амалга оширилаётганлиги натижасида даволаниш истагини билдираётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Россия Федерацияси, Латвия, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон Республикасидан келган дам олувчилар «Турон»ни танлаб янглишмаганликларини айтишмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Замонавий люкс коттеж биноси ишга туширилди. Даволаш диагностика бўлимига буғли автомат стерилизатор, «SINOL – 2302» каби янги тиббий жиҳозлар, миокард инфарктидан кейинги реабилитация бўлимига «TLC5000» русумли суткали холтер монитор аппарати олинди.

Тарихий шаҳарларга саёҳатлар, театрларга ташриф нафақат шифокору ҳамшираларга руҳий-маънавий қувват, балки уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда ҳам замин яратади. Муҳими, ўтаётган ҳар бир тадбир нафақат дам олувчилар, балки ходимларга ҳам кўтаринки кайфият ва маънавий-руҳий қувват бахш этади.

— Беш йил аввал юрак хуружига чалиндим. Ўшандан буён «Турон»га келиб саломатлигимни тиклайман. Яна ҳар бир муолажанинг юқори савияда, меъёрида олиб борилиши юрагимга нафақат даво, балки енгиллик бағишлайди. Шу боис ўтган даврда аҳволим анча яхшиланди. Бунинг учун шифокорларга мингдан-минг раҳмат, — дейди бухоролик Муҳаммад Аҳмедов.

Маҳмуда МУРЗАЕВА,
Санатор-курортлар бошқармаси Ўқув маркази маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси.
Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири



Икром ХАСАНОВ олган суратлар

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан,чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида такроран ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

1. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томондаги, 13-а уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги маъмурий бинонинг умумий майдони — 330 кв.метрга тенг бўлган бино қисми.

Бошланғич нархи — 893 245 272 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томондаги, 13-а уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги маъмурий бинонинг умумий майдони — 915 кв.метрга тенг бўлган бино қисми.

Бошланғич нархи — 2 462 380 711 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

3. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отатурк кўчаси, 24-«Б»уй манзилида жойлашган, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги 2 қаватли ертўлали бинонинг умумий майдони — 1638 кв.метрга тенг бўлган қисми.

Бошланғич нархи — 4 213 644 014 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

4. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Марказ-2, 5-уй манзилида жойлашган умумий майдони — 3457 кв.метрга тенг бўлган собиқ «Болалар дунёси» универмаги биноси.

Бошланғич нархи — 10 917 808 463 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

5. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 55-уй ёнида жойлашган умумий майдони — 1099 кв.метрга тенг бўлган қурилиши тугалланмаган савдо дўкони бино ва иншооти.

Бошланғич нархи — 1 291 025 500 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел/факс: (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 6 октябр куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 20 октябр, 3, 17 ноябр ва 1, 15, 29 декабр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида такроран ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улуши такроран қўйилади.

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, 29-уй манзилда жойлашган, «Toshkent tajribali ta'mirlash mexanika zavodi» МЧЖ Устав фондидаги 100 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи — 34 256 023 500 сўм.

Балансда сақловчи: «Toshkent tajribali ta'mirlash mexanika zavodi» МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: Ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: «Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali», Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон/факс: (8-371) 236-38-28. веб сайт; www.rmm.uz. электрон почта: user00@inbox.uz. Гувоҳнома: 006231.

Аукцион савдоси 2014 йил 13 октябр куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 16А-уй, 3-қават мажлислар залида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2014 йил 27 октябр, 10, 24 ноябр, 9, 16 ва 30 декабр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси натижаси бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат улуши бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali»)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиали; ҳ/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефон: (8-371) 236-38-28. Факс: (8-371) 236-38-28.

Электрон почта: user00@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси Наманган вилояти бўйича собиқ мухбир **Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 18-sentabr № 116 (3465)

Ташаббуснинг илк меваси

ёхуд касаба уюшмаси боғларида унаётган эзгулик

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳамма жим бўлиб қолди. Опа Мурожаатнинг туб моҳияти нимага қаратилаётганлигини ётиғи билан тушунтирди.

Яна бир ходимимиз раис топшириғига кўра Мурожаатни баланд овозда, чиройли қилиб ўқиб берди. Хулоса ўрнида якуний сўз айтилди:

— Тараққиёт сари дадил одимлаб бораётган Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қарич ерини гулзорларга, боғ-роғларга буркашда барчамиз бирдек масъулмиз. Шунингдек, аҳолининг фаровонлиги, юрт ободлиги ва осойишталиги йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бўлиши керак.

Йиғилиш тугагач, қаерга, қандай қилиб кўчат экишни режалаштира бошладик. 20 туп кўчатдан 3 йилда ҳосил олиш завқидан юракларимиз ҳапқирарди.

Ходимлар тезда хайрли ишга киришди. Аввало, мурожаатнинг мазмунини оила аъзоларимиз ва қўни-қўшниларимизга тушунтиришимиз лозим эди.

Қарабсизки, 3 кун ичида касаба уюшмаларининг Мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан 20 туп кўчат экиш ташаббуси корхона, ташкилот ва муассасалардан тортиб, бозорларда, кўча-кўйда «дув-дув» гап бўлди. Энг асосийси, билган ҳам, билмаган ҳам касаба уюшмалари хайрли ташаббусининг асл моҳиятини тезроқ билгиси келди.

Ташаббусни вилоят ҳокимлиги ҳам қўллаб-қувватлаб, йирик корхоналарга гектарлаб ташландиқ жойлар бўлиб берилди. Меҳнаткашлар ҳашар йўли билан боғ яратишга киришиб кетишди.

Йиғилишда савол берган касбдошимиз ҳам бор барака қилиб бозордан 20 туп кўчатни сотиб олдида, отасининг уйига жўнаб кетди. 2 кун давомида оила аъзолари билан биргалашиб 80 дона кўчат экишди.

Ишга келган ходимлар бир-бири билан қанча кўчат эккани-ю, кимнинг кўчати куртаклай бошлагани ва кеча опа кимларнинг хонадонига ташриф буюргани тўғрисида гаплашишдан чарчамади.

Шу зайлда 10 кун ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди. Минглаб кўчатлар ер бағрига қадалди. Қанчадан-қанча инсонлар бу борада ўзларининг фидойиликларини кўрсатишди. Кўчатлар қунт билан парваришлана бошланди.

Мана шунга ҳам 3 йил бўлди. Яқинда амакимнинг тўйи баҳонасида она қишлоғимга йўл олдим. Йўлда кетаётиб автобус ойнасидан йўл четида яшнаб турган боғ-роғларни кўриб ҳам кўзим, ҳам дилим яйради.

Овозимни чиқариб, Мурожаатдаги «Яхшидан боғ қолади» сатрларини такрорладим. Тўкинлик нишоналарини кўриб, янада ҳаяжонланиб кетдим. Раиса опамиз ўшанда, ҳали кўпчилик бу ташаббусимиз учун бизга раҳмат айтишади. Вақти келади, сизлар ҳам эккан кўчатингиз ҳосилини кўриб, мақтаниб юрасизлар, деганди. Шу тобда автобусдаги 30 дан ортиқ ҳамроҳларимга ваъзхонлик қилиб, касаба уюшмаларининг ташаббуси билан қабул қилинган Мурожаат ва унинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар, илк ҳосилини кўрсатган боғлар ҳақида зўр иштиёқ билан айтиб беришни жуда-жуда истаб кетдим.

Душанба куни ишга келиб, касбдошимдан 3 йил одинги 20 туп кўчат ҳақида сўрадим. У ҳам фахрланиб, яқинда уйида бўлган тадбирда укасингиллари жамул-жам бўлишгани, онаси уларга кетиш чоғида ҳар ким ўз дарахти мевасини териб олишини, бошқасига кўз олайтирмаслигини тайинлабди. 20 туп терак эккан укаси, кулиб ерга қараб ўтирганини такрор-такрор айтиб, ҳаммамизни кулдирар, онаси фарзандлари эккан дарахтларни жуда яхши парваришлаётгани, улар бу йил илк нишона берганини фахр билан сўзлаб чарчамасди. Жумладан, «Федерация ходимларини отамнинг ҳовлисига чақиртираман ва Истиқлолнинг 20 йиллиги муносабати билан отамнинг уйида яратилган боғни расмга олдириб, газета орқали бутун юртдошларимизга мақтанаман», деди у.

Мен ҳам бугун касаба уюшмалари Мурожаатини қўллаб-қувватлаб боғ яратган минг-минглаб юртдошларимизга боғингизнинг илк ҳосили муборак бўлсин, дегим келди.

Яна икки йил ўтсин. Бозорларимиз расталарини сиз, азизлар эккан дарахтлар меваси безашига ишонаман. Ташаббуснинг илк ҳосили барчамизга қутлуғ бўлсин! Кундан-кун чирой очиб, истиқлоли истиқболи билан туташ она юртимизга кўз тегмасин!

Норимхол НУРМОНОВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

XVII ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўладиган XVII Осиё ўйинларида юрт шарафини ҳимоя қилишга шайланган Ўзбекистон делегацияси аъзолари анъанага мувофиқ мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ БИЛАН

19 сентябр — 4 октябр кунлари 300 га яқин вакилимиз 32 спорт тури бўйича ўтказиладиган баҳсларда иштирок этади.

1994 йили Япониянинг Хиросима шаҳри мезбонлик қилган XII Осиё ўйинларида илк маротаба қатнашган вакилларимиз 11 олтин, 12 кумуш ва 19 бронза медали билан умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллаган эди. 1998 йили Таиланднинг Бангкок шаҳридаги XIII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 6 олтин, 23 кумуш ва 15 бронза, тўрт йилдан сўнг Пусан шаҳрида (Жанубий Корея) ташкил этилган Осиё ўйинларида 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза медал жамғарди. 2006 йили Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилган XV ёзги Осиё ўйинларида вакилларимиз 11 олтин, 14 тадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган бўлса, 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медал ғазнамизга келтирилган.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори спортчиларимизнинг Осиё ўйинларига пухта ҳозирлик кўришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Осиё ўйинларида иштирок этадиган спортчиларимиз орасида Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари билан бир қаторда, ёш иқтидор эгаларининг кўплиги кишини қувонтиради.

— Осиё ўйинларида юртимиз байроғини баланд кўтариш биз — спортчилар учун юксак шараф. Чунки шу юртда туғилиб, вояга етган ҳар бир ёш ўз ватанининг жаҳонда машҳур эканлигидан ғурурланади, чексиз фахр туяди, — деди дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори, байроқдоримиз Ришод Собиров.

Маълумки, Осиё ўйинлари қитъа миқёсида ўтказиладиган энг нуфузли спорт мусобақаси ҳисобланади ва мазкур ўйинларни бевосита ёки билвосита миллиардлаб замондошларимиз кузатиб боради.

XVII ёзги Осиё ўйинларининг шиори: «Хилма-хиллик бу ерда янада равнақ топади». Бу, ўз навбатида, қитъа аҳолисининг тарихи, маданияти, қадрият ва анъаналари «Инчеон — 2014» ўйинларида яна бир карра намоён бўлишига ишора.

«Осиё ўйинлари — 2014»нинг тимсоли сифати ака-сингил Вичион (умид ва ёруғлик рамзи), Бараме (эзгу хабар ва шамол рамзи) ҳамда кичик сингил Чумуро (қувноқлик, рақс рамзи) танланган бўлиб, улар Инчеон шаҳридаги Бекрион оролида яшовчи сув жониворларидир.

Мазкур мусобақада қитъанинг 45 давлатидан 13.000 дан зиёд энг сара спортчи 36 спорт тури бўйича 439 та медаллар жамланмаси учун курашади. Мазкур мусобақаларни 9300 ОАВ ходими (6200 нафар теле-радио, 3100 нафар матбуот ходими) ёритиб боради.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Юртимизда аҳолининг ҳар бир қатламини кучли ижтимоий муҳофаза этиш — қонун билан мустаҳкамланган, ўзига хос «ўзбек модели»да белгилаб берилган йўлдир.

МУРҒАК КЎНГИЛЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИБ

Имконияти чекланган болаларни спортга кенг жалб этиш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Олмазор туманидаги 28-умумтаълим мактабида стол тенниси бўйича «Соғлом авлод учун» кубоги баҳслари ўтказилди.

Болажонларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, улар ўртасида ўзаро дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган, ёш кўнгилларга хушнудлик улашган мазкур мусобақада пойтахтимизда жойлашган «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйлари ва махсус мактаб-интернатларининг қирқдан ортиқ тарбияланувчиси ғолиблик учун кураш олиб борди.

Қизғин кечган беллашувлар якунига кўра қиз болалар ўртасида Озода Тўрабоева, Ҳуснора Турапова, Мукаррам Турсунова совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.

Ўғил болалар ўртасида эса Сардор Худоёрбеков, Асад Бекмирзаев, Қилич Ўралов кучли учликни ташкил этди.

— Бугунги мусобақа ҳаммамизни хурсанд қилди. Стол теннисига жуда қизиқаман. Тенгдошларим билан мусобақалашиш ёқимли, албатта. Муҳими, ғалаба қозониш эмас, янги дўстлар орттириш, — деди мусобақа ғолибаси Озода Тўрабоева.

Ғолиб ва иштирокчиларига Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциациясининг диплом ва медаллари, «Соғлом авлод учун» фондининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Наврўз НОРБОБОЕВ олган суратлар

Матбуот анжумани

16 сентябр Бутунжаҳон озон қатламини муҳофаза қилиш куни. Жорий йилда ҳам бу сана кенг нишонланди. «Пойтахт» бизнес марказида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик фонд ҳамкорликда ташкил этган матбуот анжумани шу мавзуга қаратилди.

Озон қатлами тикланади

Унда вазирлик, идоралар, давлат ва хусусий сектор тармоқлари, ОАВ, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган келишувлар орасида энг самаралиси бўлиб, ушбу ҳужжат халқаро ҳамкорлик ва шерикчиликнинг ёрқин намунасидир.

Монреал протоколини ҳаётга татбиқ эта бориб, емирувчи моддалардан фойдаланишни босқичма-босқич қисқартириш бўйича жиддий муваффақиятларга эришилди. Пировард натижада озон қатламини тиклаш йўлида муҳим қадам ташланди. Ҳисобларга кўра, асримиз ўрталарига бориб, у батамом тикланади.

Бироқ, озон қатламини бузувчи моддалар қўлланиши бўйича айрим чақирувлар сақлаб қолинмоқда. Шунга кўра, атмосферани муҳофаза қилиш мақсадида мавжуд чақирувларни бартараф этиш, саноат ишлаб чиқарувининг турли тармоқларида инновацияни рағбатлантириш, озон қатламининг бузилишига ҳамда иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатмайдиган самарали энергия ва экологик хавфсиз технологияларни ишлаб чиқаришга оид саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш назарда тутилаётир.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йилдан буён Монреал протоколига аъзо бўлиб, айни вақтда 99,95 фоиз озон емирувчи моддалар муомаладан чиқарилди. Озон емирувчи моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолини қисқартиришга, ернинг юпқа озон қатламини сақлашга йўналтирилган глобал даражадаги муҳим ташаббус Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик фондининг «Иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатлар минтақасида ГХФУдан фойдаланишни жадал қисқартиришнинг дастлабки бажарилиши» ҳамкорлиги лойиҳасида ўз ифодасини топган.

Анжуманда ушбу лойиҳа доирасида муайян ишлар амалга ошириб келинаётгани алоҳида таъкидланди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

ЭСДА ҚОЛАДИГАН БЎЛДИ

Наманган туманида яшовчи икки бахтиёр ёш — Иброҳимжон Усмонов ҳамда Маҳлиё Муҳаммадғаниеванинг никоҳ тўйлари янги барпо этилган «Бахт уйи»нинг очилиш маросимига тўғри келгани билан ҳам эсда қоларли бўлди.

Жорий йилда туман маркази Тошбулоқ шаҳарчасида лойиҳа қиймати 400 миллион сўмдан зиёд бўлган замонавий «Бахт уйи» биноси бунёд этилди. Миллий ва замонавий меъморчилик услубини ўзида мужассам этган янги бинода барча шароит муҳайё. Жумладан, тантаналар зали, архив, ота-оналар, никоҳланувчи ёшлар билан учрашувлар ўтказишга мўлжалланган хоналар, ходимлар учун алоҳида ва бошқа маиший-хўжалик хоналари замонавий тарзда жиҳозланган.

— Бундай кўркам ва салобатли муассасада никоҳдан ўтиш ёшларимизга оила ва никоҳ масъулиятини янада теранроқ ҳис қилишларида муҳим аҳамият касб этади, — дейди бўлим мудираси Шоирахон Жамолиддинова. — Бу масканда энди ёшлар нафақат никоҳ гувоҳномасига имзо чекади, балки никоҳолди суҳбатлари, турли маънавий-маърифий тадбирларга жалб этилиб, уларга оила мустаҳкамлигининг омиллари ҳақида тушунчалар берилади.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: Тошбулоқ шаҳарчасидаги замонавий «Бахт уйи»да.

ЎзА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги 192-сонли қарорига асосан «MURUVVAT-TEKS» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 21 октябр соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга «MURUVVAT-TEKS» масъулияти чекланган жамиятининг 16.07.2014 йилдаги 307/а-14-сонли буюртмасига асосан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Истироҳат кўчаси 58-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони — 10 826,0 кв.метр, қурилиш майдони — 7 013,0 кв.метрдан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган тикувчилик цехи бино ва иншоотлари мужассам ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич нархи: 20 000 000 000 (Йигирма миллиард) сўм.

Фаолият ихтисоси: Тадбиркорлик ва объект негизида истиқболли ишлаб чиқариш фаолиятини яратиш.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 2014 йил 20 октябр куни соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат тўловини тузиладиган закалат келишувига асосан аукцион ташкилотчиси «REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамиятининг СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400, МФО: 00452, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиалидаги 20208000700234536001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аукцион ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

Юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ва уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ.

Манзил: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия: RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz
e-mail: rc.group@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -22.00
Topshirildi -22.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 915 | 13883 nusxada bosildi | 1 2 4 5